


ISLAMONLINE.UZ

adabiyot



## Фитрат. Юрт қайғуси



Онам! Сени куткармок учун жонми керакдир?  
Номусми, виждон била имонми керакдир?  
Темур била Чингиз кони тошди томиримиздан,  
Айтгил! Сени куткармок учун конми керакдир?  
Ёв сукгали келгач киличини юрагингга,  
Туш олдига, ол кўксуми - калконми керакдир?  
Бок, бок, мана турк тенгизи тошкун кила колди,  
Турон ёвини кувгали тўфонми керакдир?

Турон, йигитинг, барчага бок, калқди оёкга,  
Юртда коровул кўйгали арслонми керакдир?

## ЮРТ КАЙГУСИ (Сочма)

Эй Улуг Турон, арслонлар ўлкаси!  
Сенга не бўлди? Холинг калайдир? Нечук кунларга колдинг?  
Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўгузларнинг, Отиллаларнинг шонли бешиклари! Кани у чиқдигинг юксак ўринлар? Куллик чукурларига недан тушдинг?!  
Дунёни «урҳо»лари билан титраткан йўлбарс юракли болаларинг кани? Ер тупрогини кўкларга учиратурган тог гавдали ўглонларинг кани? Нечун товушлари чикмайдир?  
Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг кани? Нечун чекиндилар?  
Нечун кетдилар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун кўйдилар? Нечун... Нечун... нечун..? Гапур менга, эй Улуг Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?!  
Ер юзининг буюк салтанатларини сен курмадингми? Хиндистоннинг, Эроннинг, Оврўпанинг улуг хоконларини сен юбормадингми? Эй хоконлар ўчоги! Эй қахрамонлар тугойи! Кани у чакмок чакишли ботир хоконларинг? Кани аввалги ўқ юрушли, отли бекларинг? Нечун «урҳо»ларинг эшитилмайдир?  
Дунё ҳалкини бўйсундирган салтанатларинг нечун бузилди? Инсонлик оламини канотлари остига олган хо-конлигнинг нечун кучи ўлди? Кучингми кегди? Кимсасизми колди?  
Йўқ... йўқ... Тангри хакки учун йўқ!.. Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан! Бугун ер юзида саксон милйун боланг бор. Буларнинг томирларидағи кон чингизларнинг, темурларнинг конидир. Буларнинг кучла-ри сенинг кучингдир!  
Эй Улуг Турон, арслонлар ўлкаси!  
Кайгурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг хаммаси бор, хеч бири йўколмамишdir.  
Ёлгиз... Ох, ёлгиз... таркалмишdir.

## ЮРТ КАЙГУСИ (бир ўзбек тилидан)

Ётсам тушумда, уйгонсам ёнимда, кўз юмсан миямда, кўз очсан каршумда мунгли бир хаёл келиб турадур! Бу бир хотун хаёли... Бир хотунки, эгнида ипакли, лекин йиртик ва эски бир кўйлакдан бошка бир кийими йўқ. Бонаёглари ялангоч, тирсакларигача коп-кора лойкадаи ботган, бакиуруга товуши, кутилурuga кучи колмаган!..  
Карайман: кимсасизлик юкиндан оригланган танда золимона урулган камчиларнинг

яраси бор. Кўраман: жохилона килинган эмлардан носулга кайтган яралариндан конлар окиб турадур!..

Эй мунгли хотун, сен кимсан?

Эй гамли она, нечук мундан айрилмайсан?

Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан?

Кайгу тутунлари ичра ёгдусиз колган кўзларинг, у ёш ёмгуруларин нечун тўкадир? Зулм занжирлари билан боғланган кўлларинг нечун хар ёнга узатиладир, нима тилайсан?..

Ох... Билдим... билдим... Англадим!

Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан

Эй муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма.

Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда кол, кетма.

Туроним, сендан айрилмок - менинг учун ўлимим.

Сенинг учун ўлмок - менинг тириклигимдир.

Панохим, саждагохим, умидим!

Ёвларинг сени шу кунгами солдилар?

Тилагим, истагим, саодатим!

Болаларинг сени шу холдами кўйдилар?

Суйунчим, овунчогим, ўчогим!

Золимлар сени кимсасизми кўрдилар?

Иўк, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, бутун борлигим билан сенга кўмак килурга хозир.

Мана мен чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурга рози.

Коф тоглари йўлимда тушса,

Тамуг оловлари карпумдан чикса,

яна сен сари кетарман.

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар кўшини келса,

Оёгимга занжирлар эмас, жаханнам илонлари сорилса

яна сен сари кетарман.

Дунёнинг бутун балолари бошимга гўкулса,

Зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени куткаарман.

Мен сенинг учун тирилдим,

Сенинг учун яшарман,

Сенинг учун ўлурман.

Эй туркликнинг муқаддас ўчоги!

Улим сенинг ўлимингни истаганларга,

Нафрат сени кўмгали келганларга!

## ЮРТ КАЙГУСИ

(Темур олдинда)

Багрим ёник, юзим кора, кўнглим синик, бўйним букук.

Сенинг зиёратингга келдим, сultonим!

Эзилган бошим, кисилган виждоним, куйган коним, ўртанган жоним учун бу саганангдан

даво излаб келдим, хоконим!

Юз йиллардан бери жафо кўруб, гам чекиб келган туркнинг конли кўз ёшларин этакларингга тўкарга келдим.

Коронгуликлар ичра ёѓусиз колган ўзбек кўзлари учун тупрогингдан сурма олгали келдим.

Номусини бад кишиларнинг аёглари остинда кўриб турклик кони кайнагай, мусулмонлик хамияти топтгай, тамуг оловлари каби сочрагай.

Лекин ўз кучсизлигин англаб кайтиб ўтирган ва кон йиглаган туркнинг холини айтарга келдим, хоконим!

Улуг хоконим! Турклик шарафи таланди.

Турк учун кўйдигинг давлат битди, турк остига курдигинг хоконлик ёгийгами кетди.

Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг аёглари остинда колди.

Туркнияг юрти, улоги, ўчоги, Туруни ёт кўлларга тушди.

Туркнинг билгиси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлжасига кетди.

Сенинг киличинг билан дунё эгаси бўлган турк тинчгина бир ёток тополмай колди.

Сенинг кучинг билан дунё хўжаси бўлган турк карлук темурларига кирди.

Хоконим!

Турклерга хиёнат килганлар турк бўлсалар хам конларини оқизмок сенинг мукаддас одатингдир, ётма, тур!

Сенинг омонатингга хиёнат килганларни эз, ур, ўлдур!

Султоним!

Биламан, шу тобда сенинг у юксак ва улуг рухониятинг мен каби тубан руҳди ва химматсиз бир боласининг шу холига газабли кулуб турубдир.

Биламан, шу чогда сенинг тўлкунли денгизларга ўхшаган юрагинг мен каби юраксиз бир ўглингнинг шу кўринишиндан нафрат киладир.

Чунки юкорида айтдигим ишларнинг хаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим килдим,

Сенинг Турунингни ўзим талатдим,

Сенинг турклигини ўзим эздирдим,

Сенинг омонатларингга хиёнат ўзим килдим.

Мен уч кунлик умримни тинчгина ётиб ўтказмокчи бўлмаса эдим, шуларнинг бирортаси бўлмас эди.

Мен кўлимга топширдигинг киличини ташлаб, чолгуни олмаса эдим, Туруни таланмас эди!..

Мен ёлгиз конли кўз ёшларимни бу саганангга тўкмак учун эмас, ўз ёзикларимни икрор этарга келдим, хоконим.

Мени кўйма!

Мен ёлгиз ёзикларимни икрор этарга эмас, Турунга бердигим заарларни тўламок учун келдим, ХОКОНИМ.

Мендан нафрат этма!

Эй арслонлар арслони!

Мени ёзукларимдан ўт,

Мени кўлимни тут,

Белимни бояла, мукаддас фотихангни бер!

Сенинг дунёга сигмаган гайратингга онт ичаманки, Турунинг эски шараф ва улуглигини кайтармасдан бурун аёгларингда ўти rmsman.

## ЮРТ КАЙГУСИ (Она билан ўгил)

- Она! Нечунгина йиглайсан? Бугун саодатга эришдик, яна кайгурасаими? Бугун ўз тилагингга етишдинг, кўз ёшларингни тўқадирсанми?

Эмди кайгурмок чоги битди, йигламок палласи йўк бўлди, роҳат кунларинг етишди, онам!

— Ох... ўглим, арслоним! Мустабид хукумат уйимни талатди: буюк биноларимни йикитди; суюкли ўглонларимни ўлдурди.

Тахаммул этдим, сабр килдим, кимсага бир оғиз сўз бу тўрида очмадим. Негаким, кўлларинда килич, ўмузларинда тўфанг, мани ўлдирмокка хозир эдилар. Дунёнинг мукофот эканлигин билган эдим.

Билар эдимки, бу золимлар бир кун килгон зулмларининг мукофотини кўрарлар.

Билардиму тўкилган конларнинг хар бир томчисидан бирор арслон яратилуб, бунларнинг конларини ичарлар.

Кўзлари кўр, кулоклари кар бўлиб оналарини тонимайдилар, юрагимни тешадирлар, багримни парчалайдилар. Ўзларини тарбия килиб етиштирган оналарини йўк бўлувига сабаб бўлдилар.

Ўйламас ўгилларим бутун бир кутимни ётларга талатиб, номусимни гайриларнинг оёги остинда олдилар.

Бўйла оналарига душманликлари ўз бошларига стди, буқун кўруб тургон мукофот у килган зулмларига карши эди.

Фитратнинг  
"Танланган асарлар"идан, 1-жилд